



ХОРАЗМЛИК РАСУЛБЕК РУЗИМОВ ТАНЛОВ ФОЛИБИ БЎЛДИ

Жорий йилнинг 10 апрелида Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиши вазирлиги ҳузуридаги Кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланишини назорат қилиш инспекциясининг “Энг намунали инспекция ходими” кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди.

Мамлакатимизда кўп хонадонли уй-жой фондларини сақлаш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни юксак даражада тартибга солишни ташкиллаштириш салоҳиятига эга бўлган иқтидорли инспекция ходимларини кашф қилиш, уларнинг салоҳиятини соҳа фаолиятини янада юксалтиришга йўналтириш орқали юқори самараларга эришишни таъминлаш ҳамда соҳа ходимлари фаолиятини ўрганиш ҳамда уларнинг билим ва кўникмаси, иш фаолияти давомида эришган ютуқлари ҳамда қобилиятларини таҳлилий баҳолаш, илфор мутахассисларнинг тажрибаларини кенг оммалаштириш мақсадида ташкил этилган мазкур танловнинг биринчи босқичида Инспекциянинг Марказий аппарати ҳамда ҳудудий инспекциялари ғолиблари иштирок этишди.

Танловга қадар танлов номзодларининг фаолияти жойларга чиқиб ўрганилиб, уларга кўйилган баҳолар ҳаққонийлиги тасдиқланганди. Якунний босқич талабларига кўра, иштирокчиларнинг ҳуқуқий билимлар даражаси ва уларнинг амалиёт билан уйғуллиги, билимлари ва тажрибаси, фидойилиги, топширилган вазифа ижросига ўндақиқа ичida ечим топиш қобилиятига эга бўлиши лозим. Иштирокчиларга саволлар варақаси тарқатилди: 30 саволга 30 дақиқа вақт белгиланди.

Танлов якунига кўра, Хоразм вилояти вакили Расулбек Рузимов 24 балл тўплаб, 1-ўринни эгаллади. Сурхондарёлик Аббос Бердиев 18 балл ҳисобида 2-, 16 балл тўплаган Фарғона вилотидан Ахрор Нурматов 3-ўринга лойиқ топилди.

Ғолиблар фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланишиди.

ЭЗГУ МАҚСАД ЙЎЛИДА...

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 30 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикасида ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"-ги қарори ҳудудларда сув таъминоти ва канализация соҳасидаги ишларни самарали йўлга қўйишда дастурламал бўлди.

Мазкур қарор ижроси доирасида "Коммунхизмат" агентлиги келгусида сув таъминоти ва канализация соҳасидаги хизматлар сифати, тармоқ корхоналари фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш юзасидан ҳалқаро ташкилотлар ҳамкорлигига республикамизнинг Бухоро, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари шаҳар ва туманларида ичимлик сув таъминотини яхшилаш ҳамда канализация тизимларини қуриш, реконструкция қилиш бўйича ишлар олиб бормоқда. Бу борада, Жаҳон банки иштирокида амалга оширилаётган лойиҳалар устида алоҳида тўхталишни истардим. 2016-2020 йилларда "Бухоро ва Самарқанд шаҳарлари канализация тизимларини қуриш ва реконструкция қилиш, 2-Фаза" лойиҳаси қўшимча молиялаштириш ҳисобига Бухоро ва Самарқанд шаҳарларининг канализация тизимлари тўлиқ реконструкция қилинади ва оқава сув тозалаш иншооти қуввати Бухоро шаҳрида бир кеча-кундузда 100,0 минг м³, Самарқанд шаҳрида 142,5 минг м³ га етказилади. Иккала шаҳарда жами 307 км канализация коллектори ва тармоқлари реконструкция қилинади ва янгидан қурилади. Лойиҳада амалга ошириш натижасида Бухорода 282,0 минг ва Самарқандда 304,0 минг аҳоли марказлаштирилган канализация хизматлари билан таъминланади ҳамда шаҳарларнинг санитар-эпидемиологик ҳолати яхшиланади. Лойиҳада янги ва тежамли технологиялар жорий килиниши боис электр энергия ҳаражатлари 25-30 фоизгача камаяди. Ушбу ишларни амалга ошириш баробарида оқава сувларнинг меъёрий тозаланиши даражасига эришилади.

Лойиҳа доирасида 15 та қурилиш шартномаси тузилиши кўзда тутилган бўлиб, ҳозирги кунда 12 та шартнома имзоланган (3 та шартнома бўйича қурилиш-монтаж ишлари якунланиб, фойдаланишга топширилган, 9 та шартнома бўйича қурилиш ишлари олиб борилмоқда), қолган 3 та шартнома бўйича тендер савдолари ўтказилмоқда. Апрель ойида Харид комиссияси



томонидан баҳолаш ҳисботи тасдиқланиб, ғолиб деб топилган пурратчи компаниялар билан шартномалар тузилди.

"Сирдарё вилоятининг Боёвут, Ховос, Мирзаобод, Сардоба ва Оқолтин туман марказлари ҳамда аҳоли пунктларининг ичимлик суви таъминотини яхшилаш" лойиҳаси доирасида вилоятдаги 155 та қишлоқ аҳоли яшаш пунктларидағи 354,0 минг киши ичимлик суви билан таъминланади. Жами қуриладиган ичимлик сув қувурларининг узунлиги 1460,0 км ни ташкил этади. Қуввати бир кеча-кундузда 145,0 минг м³ бўлган сув иншоотлари қурилади.

Лойиҳа амалга оширилгандан кейин аҳолининг ичимлик суви билан таъминланганлик дарражаси 35 фоиз дан 78 фоизгача ошиши, янги ва тежамли технологиялар жорий қилиниши натижасида электр энергия ҳаражатлари 25-30 фоизгача камайиши кутилмоқда.

Лойиҳа доирасида 11 та қурилиш шартномаси тузилади. Ҳозирги кунда шундан 4 та шартнома бўйича қурилиш-монтаж ишлари якунланиб, фойдаланишга топширилди. 4 та шартнома бўйича ишчи комиссиялари тузилиб, обьектларни фойдаланишга топшириш бўйича қурилиш-монтаж ишлари якунланиб, ишчи комиссиялар қарори кутилмоқда. Қолган 3 та контракт бўйича қурилиш-монтаж ишлари кетяпти.

"Бухоро вилоятининг Олот ва Қоракўл тумнлари ичимлик суви таъминотини яхшилаш" лойиҳаси доирасида қуввати бир кеча-кундузда 50 минг м³ бўлган "Двойник" сув олиш иншоотини қуриш кўзда тутилган. Олот ва Қоракўл тумнларининг 230 минг аҳолиси тоза ичимлик суви билан таъминланиши режалаштирилган.

Жами қуриладиган ичимлик сув қувурлар узунлиги 1 800,0 км га яқин.

Лойиҳа амалга оширилгандан кейин ахолининг ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси 25 фоиздан 75% фоизгача ошади. Шу билан бирга лойиҳада янги ва тежамли технологиялар жорий қилиниши натижасида электр энергия ҳаражатлари 25-30 фоизгача камаяди.

Лойиҳа доирасида 9 та қурилиш шартномаси тузилиши кўзда тутилган бўлиб, ҳозирги кунда 9 та шартнома имзоланган, бундан АК/W/02 ва АК/W/03 контрактлар бўйича қурилиш-монтаж ишлари якунланиб, фойдаланишга топширилди. 7 та контракт бўйича қурилиш-монтаж ишлари олиб борилмоқда.

Осиё тараққиёт банкининг имтиёзли кредитлари ҳисобидан 2016-2021 йилларда "Жиззах шаҳар оқава сув тизимини реконструкция қилиш" лойиҳаси амалга оширилиши режалаштирилган. Умумий қиймати 91,2 млн. АҚШ доллари бўлган мазкур лойиҳанинг 79,5 млн. АҚШ долларини Осиё тараққиёт банки улуши ташкил этади. Лойиҳанинг тасдиқланган техник иқтисодий

асосларига кўра Жиззах шаҳрида бир кеча-кундудза 30,0 минг m^3 га мўлжалланган оқава сув тозалаш иншооти ҳамда 61,17 км. канализация тизимлари (шаҳар коллекторлари)ни қуриш ва реконструкция қилиш кўзда тутилган. Жумладан:

- 28,86 км шаҳар коллекторлари ва насос станцияларини қуриш ва реконструкция қилиш (А ҳудуд);
- 14,21 км шаҳар коллекторларини қуриш ва реконструкция қилиш (В ҳудуд);
- 18,1 км шаҳар коллекторлари ва бир дона насос станциясини қуриш ва реконструкция қилиш (С ҳудуд);
- бир кеча-кундудза 30,0 минг m^3 га мўлжалланган оқава сув тозалаш иншоотини қуриш.

Лойиҳанинг уч ҳудудга бўлинган 61,17 км га тенг шаҳар коллекторларини қуриш ва реконструкция қилиш ишларига оид лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилган ва тендер савдолари натижасида танланган учта пудрат ташкilotлари билан шартнома имзоланиб, қурилиш-монтаж ишлари бошлаб юборилди.



Бир кеча-кундузда 30,0 минг м³ га мүлжалланган оқава сув тозалаш иншоотини қуриш бўйича тендер савдолари ўтказилиб, ғолиб компания билан шартнома тузиш юзасидан Осиё тараққиёт банки билан талаб қилинган ҳужжатлар юзасидан музокаралар олиб борилмоқда.

Бундан ташқари ушбу лойиҳа доирасида янги қурилаётган ва реконструкция қилинаётган иншоотларнинг техник ҳолатини талаб даражада олиб бориш мақсадида янги замонавий фавқулодда холатлар учун машина, трактор, турли хил замонавий асбоб ускуналар ва бошқа техник машиналар сотиб олиниши белгиланган. Ҳозирги кунда тендер савдоларини ўтказиш бўйича ҳужжатлар тайёрланмоқда.

Лойиҳани амалга ошириш натижасида Жиззах шаҳрининг 77,2 минг аҳолиси марказлаштирилган канализация хизматлари билан таъминланади ҳамда шаҳарнинг санитария-эпидемиологик ҳолати яхшиланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 мартағи “Тошкент вилояти шаҳар ва туманларининг ичимлик сув таъминоти тизимларини реконструкция қилиш” (1-босқич) лойиҳаси Осиё тараққиёт банкининг имтиёзли кредитлари ҳисобидан 2017–2021 йилларда амалга оширилиши режалаштирилган.

Лойиҳанинг умумий қиймати 143,8 млн. АҚШ доллари бўлиб, шу жумладан, Осиё тараққиёт банки улуши 120,9 млн. АҚШ доллари ва Ўзбекистон улуши 22,9 млн. АҚШ долларини ташкил этади. Тасдиқланган техник иқтисодий асосларга кўра, лойиҳа бажарилиши натижасида Тошкент вилоятининг Зангиота ва Қиброй туманларида яшовчи аҳолини сифатли ва узлуксиз ичимлик суви билан таъминлаш, ичимлик сувининг исроф бўлишини камайтириш, ичимлик сувини тозалаш ва заарсизлантиришда замонавий асбоб ускуналарни жорий қилиш, мавжуд иншоотларни реконструкция қилиш ва янги иншоотлар қуриш орқали қамровни кенгайтириш кўзда тутилган.

Ҳозирги кунда лойиҳа доирасида “Қодрия-Сельская” сув тозалаш ва таъминлаш иншоотини қуриш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилди, тендер савдолари ўтказилиб, пудрат ташкилоти билан шартнома имзоланган ва қурилиш ишлари бошланган. Ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши натижасида Тошкент вилоятида яшовчи 265 минг аҳолининг тоза ичимлик суви билан таъминланиши баробарида кўшимча 3 039 та янги иш ўринлари яратилишига эришилади. Лойиҳада кўзда тутилган бошқа қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш бўйича босқичма-босқич ўрнатилган тартибида

ложиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилмоқда. Бундан ташқари ушбу лойиҳа доирасида янги қурилаётган ва реконструкция қилинаётган иншоотларнинг техник ҳолатини талаб даражада ушлаб туриш мақсадида, замонавий асбоб ускуналар ва бошқа техник воситалари сотиб олиш белгиланган.

Шунингдек, Ислом тараққиёт банки иштирокидаги “Сирдарё вилоятининг Гулистон, Ширин ва Янгиер шаҳарларининг канализация тизимини реконструкциялаш ва ривожлантириш” лойиҳаси доирасида:

Гулистон шаҳрида – 80 км канализация коллекторларини қуриш ва реконструкция қилиш, 6 та канализация насос станцияларини (КНС) реконструкциялаш ва 3 та янги КНС қуриш ҳамда оқава сув тозалаш иншооти (КОС) кувватини бир кеча-кундузда 25 000 м³ га етказиш, 75 та кўп қаватли уйларни тизимга улаш ишларини бажариш режалаштирилган.

Ширин шаҳрида – 15 км канализация коллекторлари ва тармоқларини реконструкция қилиш, 1 та КНС ни реконструкциялаш ва 1 та янги КНС қуриш ҳамда оқава сув тозалаш иншооти (КОС) кувватини бир кеча-кундузда 4 000 м³ га етказиш, 75 та кўп қаватли уйларни тизимга улаш ишлари бажарилади.

Янгиер шаҳрида – 24,6 км канализация коллекторлари ва тармоқларини реконструкция қилиш, 6 та КНС ни реконструкциялаш ва 1 та янги КНС қуриш ҳамда оқава сув тозалаш иншооти (КОС) кувватини бир кеча-кундузда 8 000 м³ га етказиш, 205 та кўп қаватли уйларни тизимга улаш ишлари кўзда тутилган.

Ҳозирги кунда лойиҳа доирасида “Лойиҳа смета ва тендер ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қурилиш устидан техник назорат олиб бориш” учун консультантни танлаш бўйича тендер савдолари ўтказилмоқда.

Араб Мувофиқлаштириш гуруҳига кирувчи Саудия тараққиёт жамғармаси ва ОПЕК жамғармаси иштирокидаги “Самарқанд вилоятининг Кўшработ тумани ичимлик суви таъминотини яхшилаш” лойиҳаси доирасида туман маркази ва 77 та қишлоқ аҳоли пунктларини ичимлик суви билан таъминланади.

55 та сув олиш иншоотларини қуриш ва реконструкциялаш (49 та қурилиш ва 6 та реконструкция); 408,1 км магистрал сув қувурлари ва тармоқларини қуриш; 11 485 дона сув ўлчагичлар ўрнатиш, 16 та сув сақлаш иншоотларини қуриш, 47 та сув минорасини қуриш, 110 та сув олиш қудуқларини бурғулаш, (104 та бурғулаш ва 6 та реконструкция), 55 та насос станциялари қуриш, 55 та комплект хлорлаш жиҳозлари,



55 та комплект электр трансформаторларини, 3 та қүёш генераторларини, 52 та дизел генераторларини ўрнатиш ҳамда 24,5 км ташқи электр таъминоти тизимини куриш белгиланган.

Ҳозирда консультант томонидан лойиҳа смета ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, тендер савдолари ўтказилди. Пудрат ташкилотлари техникаларни жалб қилиш ва қурилиш майдонларини тайёрлашмоқда. Юқорида айтиб ўтилган ишларни бажарилиши натижасида 70,0 мингдан ортиқ аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминланади.

Олдимизда турган улкан вазифалардан яна бири 2019–2023 йилларда Ўзбекистон Республикасининг бешта – Андикон, Самарқанд, Бухоро, Тошкент шаҳар (Сергели тумани) ва Тошкент вилояти (Чирчиқ шаҳри)да иссиқлик таъминоти самарадорлигини ва ишончлилигини ошириш ҳамда ёқилғи ва иссиқ сув таъминоти сифатини яхшилаш, ривожлантириш ва модернизация қилишнинг асосий йўналишларини аниқлаш; қозонхоналардаги асосий фондларни янгилаш ва модернизация қилиш, замонавий, тежамкор ва энерготежамкор технологияларни жорий этиш, хомашё ва молиявий ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланиш, иссиқлик таъминоти корхоналарининг самарадорлигини ошириш ва бу борада истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашдан иборат.

Умумий қиймати 220,7 млн. АҚШ долларини ташкил этадиган мазкур лойиҳа Жаҳон банки кредит маблағлари, Ўзбекистон ҳукумати, Иссиқлик таъминоти корхонаси, Ўзбекистон Республикаси Ўй-жой коммунал ҳўжалиги вазирлиги Ўй-жой коммунал ҳўжалигини ривожлантириш фонди ҳамда ТЧСЖ маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Тилга олинган истиқболли лойиҳалар республикамизнинг муҳим ҳудудлари кесимида танлаб олинган бўлиб, коммунал соҳага энг замонавий, илфор ва энергия тежамкор техника-технологияларни татбиқ қилган ҳолда мамлакатимиз аҳолисини узлуксиз ва сифатли, тоза ичимлик сувига бўлган эҳтиёжини қондириш, бугунги кун талабларига жавоб берса оладиган сув таъминоти, канализация, иссиқлик тизимларини яхшилаш, янгиларини барпо этиш, модернизация қилиш ва қайта қуриш ишларини қамраб олади. Юқорида қайд этилган лойиҳалар белгиланган муддатда тўлалигича амалга оширилса, ҳудудларда аҳоли саломатлиги ва турмуш даражасининг яхшиланиши, санитар-гигиеник ҳамда атроф-муҳит муаммоларининг бартараф этилишига эришамиз.

**Замзамбой ТАДЖИБАЕВ,
“Коммунхизмат” агентлиги Бош директори**